

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 27 декабрь, № 249 (5416) Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 10 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **«Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»**ги 1060–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 74-модда, № 9, 165-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг**:

**биринчи қисми иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастурни ёки маълумотлар базасини бевосита ёхуд ўз вакили орқали Дастурий маҳсулотлар давлат реестрида ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказиши мумкин»;

**иккинчи — олтинчи қисмларидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми биринчи жумласи** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЭҲМ учун яратилган дастурларни ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун ҳақ олинади. Рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ Агентликка тўланади. Рўйхатдан ўтказиш учун ҳақнинг миқдорлари ва уни тўлаш муддатлари, ҳақ тўлашдан озод қилиш, ҳақ миқдорларини камайтириш ёки уни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ суммасидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) **10-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»**ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг**:

**номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги**

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «Патент идораси», «Патент идораси тўғрисидаги», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик тўғрисидаги», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг номи** ва **матнидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **5-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **6-модданинг еттинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **7-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **8-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **10-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **14-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **18-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан», «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан», «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **20-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **21-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **21[1]-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига



# МАРДЛИК, ШИЖОАТ, ФИДОЙИЛИК

### Ҳарбийларимиз ана шундай фазилатлар соҳибларидир.

***Истиқлол берган улкан имкониятлар ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Чунки мустақиллик туфайли ҳаётимизда ёрқин саҳифалар очилди, эртанги кунга бўлган ишончимиз мустаҳкамланди, шаҳару қишлоқларимиз кўркам ва обод гўшаларга айланди. Турмушимизга бежиёс мазмун олиб кирган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.***

Айниқса, бугунгидек мураккаб замонда тинчлик ва осойишталикни сақлашнинг ўзи бўлмайди. Хотиржамлик йўқ жойда эса, ўсиш ҳам, ривожланиш ҳам кузатилмайди.

Бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган жиҳати шундаки, мамлакатимиздаги барқарорликни таъминлашда профессионал асосда шакллантирилган Қуролли Кучларимиз муҳим аҳамият касб этаётир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “...бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор”.

Дарҳақиқат, ўтган йигирма йил мобайнида Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, мамлакатимиз осойишталигига рахна солиши мумкин бўлган ҳар қандай ғаразли ниятларга қарши курашиш қобилияти ошди. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими яратилди. Ҳарбий хизматчиларнинг моддий-маиший шароитини яхшилаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш бўйича сезиларли натижаларга эришилди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни янада равнақ топтириш ва буюк келажак учун қаратилгандир.

Бугун халқимиз яна бир қутлуғ айёмга пешвоз чиқмоқда. Жойларда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини катта тантана сифатида нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу санага бағишланган туркум мақолалар билан газетамизнинг 4-саҳифасида танишасиз.

## Қисқа сатрларда

Вокеалар, янгиликлар, хабарлар

● АМУДАРЁ туманида банкнинг 75 миллион сўмлик кредити ҳисобига “Бойовул пойабзали” корхонаси ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 16 кишилик жамоа томонидан тайёрланаётган эркаклар оёқ кийимлари сифатли ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**● ГУЛИСТОН шаҳридаги “Туркистон С” корхонаси қошида кунига бир тоннагача ширинликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги линия ишга тушди. Муҳими, лойиҳа амалга ошиши билан 14 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.**

● ПАЙАРИҚ тумани марказида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида ҳудуддаги 100 га яқин корхона ва ташкилотлар 126 та иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунида 64 нафар фуқарога ишга жойлашиши учун йўлланма берилди.

**● УЗУН туманидаги “Узун Улуғшер” хусусий корхонаси томонидан банкнинг 60 миллион сўмлик молиявий кўмаги эвазига маиший хизмат кўрсатиш мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехи каби ўнлаб шохобчалар фаолият кўрсатаётир.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизматидан маълум қилишларича, ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукумати томонидан олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими олдига қўйилган долзарб вазифалар ижросига доир масалалар муҳокама қилинган. Талабалар билими даражасини, педагог кадрлар касб маҳоратини ошириш, тарбиявий ишлар мазмунини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимни ривожлантириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилиши, хусусан, таълим турларининг узвийлигини таъминлаш, битирувчиларни янги иш жойларда замонавий техника ва технологияларни ишлатишга салоҳияти етадиган мутахассис даражасида тайёрлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби муҳим масалалар шулар жумласидандир.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан олий таълим муассасалари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Самарқанд шаҳрида мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

**(ЎзА).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2011 йил 31 декабрь шанба дам олиш кунини 2012 йил 2 январь душанба кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2011 йил 31 декабрь шанба дам олиш куни 2012 йил 2 январь душанба кунига кўчирилсин;

2011 йил 31 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 декабрь

# «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Маҳалла” республика хайрия жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда жамғарма ҳудудий бўлимларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Конференцияда жамғарма республика бошқаруви раиси А. Аҳмедовнинг “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан 2006 — 2011 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Унда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айни чоғда маҳалла қўшничилик, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва эзгулик, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш, ўсиб келаётган ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, жамият олдидаги бурчни ҳис қилиш, умуминсоний қадрият ва анъаналарни жонлантирувчи ҳаёт мактаби сифатида турмушимизнинг муҳим бўғинига айланиб бораётир. Бу институт мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилаётгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Маълумки, Президентимизнинг 1992 йил 12 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилганди. Ўтган даврда мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, “Маҳалла” жамғармаси тизими тўла шакллантирилди. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб жамғарманинг 14 та ҳудудий бўлими, 196 та туман ва шаҳар бўлинмалари самарали фаолият олиб бормоқда. Улар ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг ўзиёқ маҳалланинг ҳаётимизга нечоғли чуқур кириб бораётганидан далолатдир.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев мустақиллик йилларида Президентимиз илгари сурган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили амалда рўёбга чиқарилганини таъкидлади. Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида муҳим функцияларининг бир қисмини жамоат ташкилотларига, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллага босқичма-босқич ўтказилгани улкан вазифалардан бири бўлди. Ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган маҳалла институтининг фаолияти истиқлол йилларида янги, янада теран мазмун-моҳият касб этди.

Бугун жамғарма, унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда маҳаллалар томонидан миллий анъаналаримизни асраб-авайлаш, бойитиш, кам таъминланган оилаларни, ногиронларни, боқувчисини йўқотганларни ва ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Юк ва йўловчи ташиш ҳажми ошмоқда

Бир рақам шарҳи

2011 йилнинг тўққиз ойида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси самолётларида йўловчи ташиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **11,6** **фоизга ошди.**

*Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида миллий авиакомпания техник паркини янгилаш, замонавий ҳаво лайнерларини сотиб олиш, аэропортларни тўлиқ реконструкция ва модернизация қилиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Натижада йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва суръати йил сайин ошиб бораяпти. Шу йилнинг январь — сентябрь ойларида 1,6 миллион нафар йўловчи ташилгани бунинг ёрқин далилидир.*

*Таъкидлаш керакки, миллий авиакомпания тизимида кейинги йилларда нафақат йўловчи, балки юк ташиш ҳажми ҳам муттасил ошмоқда. Бунда “Навоий” интермодал логистика маркази очилгани айни муддао бўлди. Мазкур марказ замонавий бошқариш тизимига эга бўлиб, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учириш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, тақсимлаш, махсус омборларга жойлаштириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса жорий йилнинг тўққиз ойида 37,8 минг тонна юкни белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб беришда қўл келди.*

*Мамлакатимизда логистика хизматининг кенгайишида, айтиш мумкинки, “Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамиятининг ҳам муносиб ўрни бор. Жамият томонидан юк ташиш ишлари, асосан, “Камчиқ” довони орқали Фарғона водийси йўналишида амалга оширилади. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ушбу йўналиш бўйича юк ташиш ҳажми 4,2 миллион тоннани ташкил қилдики, бу ўтган йилдагига қараганда 1,34 баравар кўпдир.*

*Юк ва йўловчи ташишда қўлга киритилаётган бундай ютуқлар тизимда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.*

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

14) **22-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **23-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **$23^1$-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **24-модданинг матнидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

18) **25-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **26-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **27-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **28-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **$28^1$-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **29-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

24) **32-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **34-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

26) **35-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **36-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1082-модданинг иккинчи қисмидаги** «патент идорасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1088-модданинг матнидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **1089-модданинг матнидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **1105-модданинг учинчи қисмидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **1106-модданинг биринчи қисмидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **1108-модданинг бешинчи қисмидаги** «патент идораси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **1110-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Селекция ютуқлари тўғрисида»**ги 270–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди»;

**иккинчи қисмидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **13-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **15-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **16-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **17-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **18-модданинг матнидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **20-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **22-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **23-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **25-модданинг матнидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) **26-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **27-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **28-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

18) **35-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **36-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

20) **37-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

21) **38-модданинг матнидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

22) **39-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 218–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 87-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентликнинг», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **11-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг матнидаги** «Патент идорасида», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликда», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **17-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6–7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда) **1-иловасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **олтмиш иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш»;

2) **олтмиш учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш»;

3) **олтмиш тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фонограммаларни тайёрлаш»;

4) **олтмиш еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик»;

2) **8-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **12-модданинг матнидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **13-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **14-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликнинг», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **18-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **19-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликнинг», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **23-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасини», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликни», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **25-модданинг тўртинчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **30-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

16) **31-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **$32^2$-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **33-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **34-модданинг матнидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **329-модда** қуйидаги мазмундаги **34-банд** билан тўлдирилсин:

«34) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан»;

2) **330-модда** қуйидаги мазмундаги **28-банд** билан тўлдирилсин:

«28) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан»;

3) **331-модда**:

**5-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологияси муаллифининг мулкий ҳуқуқлари, шунингдек ижрочининг ижрога доир мулкий ҳуқуқлари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологиясини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ижроларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақи суммалари учун»;

**14-бандидаги** «Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 декабрь
№ ЎРҚ—312

# «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга жами 14 миллиард сўмдан ортиқ, Саховат ва Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларни қўллаб-қувватлаш, шифохоналарнинг моддий-техник базасини яхшилаш учун 5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани бунга бир мисолдир. Шунингдек, 2006 — 2011 йилларда қабул қилинган Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун жамғарма томонидан жами 27 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилган.

Анжуманда “Маҳалла” хайрия жамғармаси, унинг бўлим ва бўлинмалари томонидан маҳаллаларда олиб борилаётган хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳоли эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, ҳудудларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Жумладан, фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар ҳудудларини ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Охирги уч йилда 3600 дан зиёд фуқаролар йиғинлари замонавий компьютер воситалари билан таъминлангани бунинг яққол далилидир.

“Маҳалла” хайрия жамғармасининг болалар спортини ривожлантириш борасидаги фаолияти хусусида сўз юритилар экан, маҳаллаларда 400 дан ортиқ спорт майдончаси қурилиб, тўлиқ жиҳозланганлиги айтиб ўтилди. 800 дан зиёд фуқаролар йиғинларига эса спорт анжомларини харид қилишлари учун яқиндан кўмак берилди. Болаларни спортга янада кенгроқ жалб этишда жамғарма томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Футболимиз келажаги”, “Ўзбек яккакураши” ва “Маҳалламиз паҳлавонлари” республика турнирлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу мусобақаларда иштирок этаётган ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2006 йилда мусобақаларда 400 минг нафарга яқин ёшлар қатнашган бўлса, жорий йилда улар сони 40 фоизга ортди. Умуман олганда, бугунги кунда маҳаллалардаги спорт иншоотларида икки миллионга яқин ёшларимиз спортнинг турли йўналишларида маҳоратларини оширмоқдалар.

Маҳалла институтининг нуфузини оширишда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, “маҳалла посбони” жамоат тузилмалари муҳим ўрин тутмоқда. Улар фаолиятини янада кучайтиришда “Маҳалланинг энг яхши оқсоқоли”, “Энг намунали хотин-қизлар комиссияси”, “Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи”, “Энг намунали маҳалла” кўрик-танловларининг аҳамияти катта бўлаётир. Ўтган йиллар мобайнида мингдан ортиқ илғор маҳаллаларнинг иш тажрибаси мазкур кўрик-танловлар орқали оммалаштирилгани ана шундан далолатдир. Айни чоғда бундай танловлар ўзига хос мониторинг вазифасини ҳам ўтамоқда.

Тадбирда жамғарма фаолиятидаги ижобий натижалар эътироф этилиши баробарида, бу борадаги айрим камчиликлар тўғрисида ҳам сўз юритилди, ечимини кутаётган долзарб масалалар муҳокама этилди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва ролини ошириш ҳамда аҳоли турли қатламларининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, соҳа қонунчилигини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айни чоғда жамғарманинг ҳудудий бўлимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлил этилди. Маҳаллаларнинг соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ фаолияти етарли эмаслиги, жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилмагани ҳамда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари билимини ошириш ишлари тизимли равишда ташкил этилмагани ана шулар жумласидандир. Маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириш бўйича ҳам тавсиялар берилди.

Шундан сўнг Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари ҳамда Мустаҳкам оила йилида амалга ошириладиган устувор вазифалардан келиб чиқиб, жамғарманинг истиқболдаги режаси муҳокама этилди. Хусусан, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларни бажаришида кўмаклашиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маҳалла институти ташкилий асосини янада такомиллаштириш, оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини ошириш, маҳаллаларда ёшлар тарбияси ва уларни иш билан таъминлаш каби долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда муҳокамадан сўнг “Маҳалла” республика хайрия жамғармасининг Низоми қабул қилинди. Жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши ва бошқарувининг таркиби сайланди. А. Аҳмедов “Маҳалла” республика хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













**ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг** | СУЮЛТ. ГАЗ 880,0 ▲ +10,0 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 199,6 ▼ -14,6 | УН биринчи нав 642,4 ▼ -13,8 | ОМИХТА ЕМ 319,1 ▼ -45,2

MIKROKREDITBANK

Fitch Ratings

Халқаро агентлиги

**«Микрокредитбанк» ОАТБ**

эмитентининг узоқ муддатли рейтингини

қўллаб-қувватлаш даражасини оширди

ва унинг фаолиятини

**«Барқарор»**

деб баҳолади.

1755R/1482




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 10 ДЕКАБРДАН 16 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).*

8. «Қўшимча қиймат солиғини қўллаш бўйича тушунтириш хати» *(рўйхат рақами 52, 1994 йил 5 май). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 271-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

9. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1992 йил 25 мартдаги 4-1-1-сон ва 1993 йил 15 январдаги 9/16-сон йўриқномасига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қўшимча» *(рўйхат рақами 72, 1994 йил 13 июнь). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 271-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

10. «1997 йилда ер ости магистрал муҳандислик коммуникацияларига ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш бўйича тушунтириш» *(рўйхат рақами 416, 1998 йил 31 март). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 271-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

11. «Божхона брокерлари ва декларантлари фаолияти тўғрисидаги низомга 1 ва 2-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» *(рўйхат рақами 495-1, 2000 йил 16 декабрь), (рўйхат рақами 495-2, 2001 йил 29 март). Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 272-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

12. «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида ҳисобварақаларини очиш ва юритиш тартиби» *(рўйхат рақами 41, 1994 йил 8 апрель). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 273-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

13. «Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби бузилганлиги учун жарималар тўғрисида низом» *(рўйхат рақами 58, 1994 йил 30 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 273-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

14. «Тижорат банкларини очиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тартиби тўғрисида низом» *(рўйхат рақами 59, 1994 йил 30 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 273-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

15. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1993 йил 28 мартдаги 22-сон «Тижорат банкларини очиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги хатига 1-сон қўшимча» *(рўйхат рақами 60, 1994 йил 20 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 273-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

16. «Банк кредити ҳақидаги асосий қоидалар» *(рўйхат рақами 62, 1994 йил 20 май). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 273-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

*(Давоми бор).*

**«Farg'ona charm polimer» МЧЖ**

**ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:**

- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан тайёрланган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

*Маҳсулот сертификатланган.*

Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

150R/132

"ГАЗ" русумли автомобиллар ва махсус техникалар

Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail: transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

TNK Transneftkomplekt
ООО "Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ" расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти




Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Буюртма асосида

1259H/833

**"Росагропромснаб" МЧЖ**

**ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**ЭЛЕКТРОН ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**

**УБСГ 001 (G4, G6, G10), АГАТ (G16, G25), ГОБОЙ-1 (G10, G25, G65)**




- 5 $м^3$/соат дан 500 $м^3$/соат гача **БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**

Маҳсулот сертификатланган.

**Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй.
(мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)

1626R/1788

**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1533R/1304

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти жамоаси институт бош ҳисобчиси, иқтисод фанлари номзоди Абдирашид Бабаджановга рафиқаси

**Шоҳсанам БАБАДЖАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Шаҳрисабз филиали бошқарувчиси

**Зафаржон СИРОЖЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"O`zbekiston" телерадиоканали ДУК жамоаси "Ахборот" информацион эшиттиришлар муҳарририяти ЭҲМ оператори

**Нигора РИХСИБЕКОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 770,0 ▲ +11,2




МОТОР МОЙИ М14 В2 2001,8 ▼ -287,1




БЕНЗИН АИ-80 3238,6 ▼ -278,4




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 3617,1 ▲ +1378,9

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

# МАРДЛИК • ШИЖОАТ • ФИДОЙИЛИК



### Ҳарбийларимиз ана шундай фазилатлар соҳибларидир.

***Ҳеч бир замонда истиқлол деб аталмиш бебаҳо неъмат осонлик билан қўлга киритилган эмас. Ўз тақдирини ўз қўлига олишни, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришни ният қилган халқ борки, бу йўлда қанчадан-қанча синовларга дуч келган, турли мураккаб даврларни бошидан кечирган. Узоқ йиллар мустабид тузум исканжасида яшаган, ёруғ кунларни доимо интиқ бўлиб кутган халқимиз ҳам ушбу аччиқ ҳақиқатни яхши англайди, қалбан теран ҳис этади.***

## ТАРИХИЙ ЖАСОРАТ, АБАДИЙ ИБРАТ

**Б**из, катталар мустақиллик арафасида кузатилган воқеаларни кечагидек эслаймиз. Собиқ марказ ҳали ўз ҳукмронлигини қўлдан бермаган, турли сиёсий ўйинлар айни авжига чиққан ўша пайтда Президентимиз Ислом Каримов жасорат ва мардлик кўрсатиб, Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида эълон қилдилар. Юксак минбардан туриб баралла айтилган бу қарорни бутун халқимиз зўр хурсандчилик билан қўллаб-қувватлади, одамларимизда эртанги кунга ишонч туйғуси уйғонди. Марказдагиларга эса, табиийки, бундай қадам умуман ёқмади. Шу боис улар томонидан мамлакатимизга нисбатан турли босимлар кучайтирилиб, танлаб олган йўлимиздан қайтаришга қаратилган уринишлар авжига чиқди. Аммо ана шундай таҳликали, тасаввур қилиш қийин бўлган ўта оғир шароитда ҳам Юртбошимиз қатъийлик билан Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли борлигини ва бу йўлдан асло қайтмаслигимизни таъкидладилар. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган асарни мутолаа қилар эканмиз, яқин ўтмишимизда рўй берган ўша воқеаларни, халқимиз манфаати, келажагини ўйлаб бошланган оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз. Буларни, айниқса, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз кўпроқ билиши, тарихий жасорат ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

Албатта, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини, аввало, унинг армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши зарур. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. Дастлаб 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан, унинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди. Шунингдек, Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди.

Ўша вақтдаги энг жиддий муаммо, бу — армиядаги кадрлар масаласи эди. Чунки ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Ушбу масалани ҳал этиш учун Президентимиз ғоялари асосида янги ҳарбий ўқув муассасалари, Қуролли Кучлар академияси барпо этилиб, уларда ҳарбий ишга салоҳияти бор Ўзбекистон фарзандларини тайёрлашга киришилди. 1992 йил 14 январь куни мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди — мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган ушбу ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямиз-

### Ифтихор

ни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди. 1993 йилдан 14 январь юртимизда “Ватан ҳимоячилари куни” деб эълон қилинди.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳолимизнинг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди.

Аслида миллий армиямиз салоҳиятини юксалтириш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ҳар бири алоҳида мақола учун мавзу бўлиши мумкин. Масалан, Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тизимини олайлик. 2002 йилнинг 29 августида Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтган эди. Ўшанда Президентимиз армиямизни янада такомиллаштириш бўйича кўпдан-кўп фикрларни билдирдилар. “Қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча, унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?” деган саволларни ўртага ташладилар. Ва болаларимиз, фарзандларимизнинг Қуролли Кучларда хизмат ўташ муддатини 18 ойдан 12 ойга, яъни бир йилгача қисқартиришни таклиф қилдилар. Бунинг аҳамияти, ўзига хос жиҳатларини илғор мамлакатлар тажрибаси мисолида ҳамда қатор бошқа ҳаётий далиллар асосида батафсил тушунтириб бердилар. Орадан бир оз вақт ўтиб, аниқроғи, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартириш, янги турдаги армияни шакллантиришга доир ҳуқуқий асослар яратилди. Бундай ислоҳотлар амалда ўз самараларини кўрсатди. Яъни Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки чин маънодаги шон-шараф ишига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони чақирув сифати ва самарадорлигини ошириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари вакиллари жалб этилди.

**М**ухтасар айтганда, ўтган йигирма йил давомида Президентимиз бошчилигида Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар мустақиллигимизни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги ҳамда эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Алижон САФАРОВ,**
**подполковник.**

## ШАРАФЛИ КАСБДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАНЛАР

Чустда ўзининг сўлим табиати, меҳмондўст одамлари билан танилган Варзик деган қишлоқ бор. Шу ерлик Умаровлар хонадонига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Сабаби, ушбу оилада камолга етган икки фарзанд — ака-ука Шуҳрат ва Шерзод Умаровлар бугун ҳарбий соҳада фаолият юритиб, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Офицерларнинг онаси Муҳаррам ая Турғунованинг қувончдан боши осмонда.

— Катта ўғлим Шуҳратжон мактабни битириш арафасида “Мен келажакда ҳарбий бўлмоқчиман, шунинг учун ҳужжатларимни олий ҳарбий билим юртига топшираман”, деб қолди, — дейди онахон биз билан суҳбатда. — Ўша онда ичимдан кечганларни билсангиз эди. Унинг эслиҳушли йигит бўлиб улғайганидан, шарафли касбга ҳаваси уйғонганидан жуда-жуда севиндим. Қўлимни дуога очиб, омад тиладим. Шуҳратжон барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, нуфузли олий ҳарбий билим юртининг курсанти бўлди. Унинг ўз мақсади йўлидаги илк ютуғидан беҳад фахрландим. Қарангки, Шерзоджон ўғлим ҳам акасидан ибрат олиб, ҳарбийлик касбини танлади. Шундай қилиб, бугун юрт ҳимоячиларининг онаси сифатида қалбим ғурурга тўлиб ўтирибман. Ўғилларим хизматда қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Айниқса, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган байрамда ҳар иккисининг бир вақтда тақдирланганини кўриб, шундай кунларга етказганига беадад шукроналар келтирдим. Эл-юрт корига камарбаста бўладиган фарзандларим борлигидан фахрландим.

### Эътироф

**Дарҳақиқат, Муҳаррам ая айтганидек, Шуҳрат ҳамда Шерзод учун ўтган ўқув йили муваффақиятли кечди, ҳаётларида унутилмас из қолдирди. Улар Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучлар тизимида ташкил этилган ва ҳарбийларимизнинг профессионаллашувида муҳим аҳамият касб этаётган “Энг илғор мутахассис” танловининг 2010 йилги республика босқичида “Энг илғор батальон командири” номинацияси бўйича ғолиб бўлишди.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Муҳаррам аянинг набираси Отабек Ашурматов ҳам тоғаларига ҳавас қилиб, ҳарбийлик касбини танлади. Айни пайтда у Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олмоқда. Демак, ҳарбий сулола шаклланмоқда.

— Мақсадим битта, шу касбнинг сир-асрорларини пухта эгаллаш, — дейди офицер Шуҳрат Умаров. — Шу боис доимо ўқиб-изланишдаман. Яқинда Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллик байрамини нишонлаймиз. Мен, аввало, миллий армиямизда хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Шарафли соҳада фаолият юритар эканман, ҳар он, ҳар лаҳза бурчимга содиқ бўлиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровон ҳаётини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга интиламан.

Офицер Шерзод Умаров ҳам акасидан қолишмасликка ҳаракат қилиб, хизматда қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. У курсантлик кезларидаёқ ўзини ҳар томонлама кўрсатган эди. Хусусан, уч кураш бўйича II Умумармия ўйинларида биринчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, “Энг илғор мутахассис” танловининг 2006 йилги республика босқичида “Энг илғор гуруҳ командири” деб топилган. 2007-2008 йилларда ҳам ушбу танловда муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олган. Жанговар тайёргарликка қўшган муносиб ҳиссаси ва аъло хизматлари учун икки йил муқаддам мудофаа вазирининг “Эсдалик нишони” билан тақдирланган. Бундан ташқари, “Ҳарбий спортчи” ва “Жанговар тайёргарлик аълочиси” кўкрак нишонларига лойиқ кўрилган. Малакаси ва тажрибасини ошириб борган Шерзод, юқорида айтганимиздек, ўтган ўқув йили якуни бўйича яна бир карра эътироф этилди.

— Касбимга меҳрим баланд. Бу акамга бўлган ҳавасим билан боғлиқ, — дейди офицер Шерзод Умаров. — Шу боис қалбимни ҳамиша фахр ҳисси тўлдириб туради. Бундан кейин ҳам билим ва маҳоратимни янада ошириб, улкан марраларни забт этишга интиламан. Энг асосийси, Ватанимизга муносиб хизмат қилишни бурчим, деб биламан.

Ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, она-юрт тинчлигини сақлашга камарбаста бўлишни дилига туккан ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ҳамда садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Яна бир ҳарбий сулолага асос солган ака-ука офицерлар — Шуҳрат ҳамда Шерзод Умаровлар қалбида бугун ана шундай туйғулар мужассам.

**Аҳрор ОЧИЛОВ.**

### Дил сўзи

***Ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ортиқроқ қувонч бўлмаса керак. Мен ўзимни ана шундай бахтиёрлик насиб этган инсонлардан бири, деб биламан. Чунки ўғлим Актамжон Аҳмедов юзимизни ёруғ қилиб, бугун мустақил Ватанимиз армиясида шарафли бурчини сидқидилдан адо этмоқда.***

## ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Унинг Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётганидан чексиз фахрланаман. Баъзида яқинларим, дўстларим, қўни-қўшниларим билан бир даврада ўтириб қолсак, гап мавзуси Қуролли Кучларимиздаги бекиёс ўзгаришларга бориб тақалади. Шунда беихтиёр Актамжонни ҳам тилга олишади ва: “Яхши фарзанд тарбиялагансиз, орзу-ҳавасини кўринг”, дейишади. Уларнинг бундай илиқ сўзларидан, тилакларидан, биласизми, шундай руҳланаманки, гўё ўзимни осмонда учиб юргандек ҳис этаман.

*Яқинда хонадонимизга туман мудофаа ишлари бўлими масъул ходими Ўктамжон Мирзақулов келиб, ўғлимизнинг намунали хизмати учун ҳарбий қисм командири номидан йўлланган ташаккурномани топширди. Қувончимизга қувонч қўшилди. Уйимизда байрам бўлди. Ҳамма хурсанд. Шукр, Актамжон оиласидан, устозларидан ўрганганларига қатъий амал қилиб, ишончни оқлаётган экан.*

Албатта, ёшларимиздаги ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларининг шаклланишида бевосита Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим-тарбия жараёнларининг аҳамияти катта. Айниқса, болаларимизга “Ўғил-қизларим, фарзандларим”, дея мурожаат қилиб, уларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётганларидан ҳамиша ғурурланамиз. Бундай меҳр оғушида улғайган авлод эса, албатта, шу юртга, элга садоқатли бўлади, унинг равнақи учун сидқидилдан хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, она-заминимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, тинчлик ва хотиржамликни сақлашга ҳисса қўшаётган барча ҳарбийларимизни яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман. Мардлик, жасорат ва фидойилик ҳамиша ҳамроҳлари бўлсин.

**Шоди АҲМЕДОВ.**
Қарши тумани

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

### миллий армиямизнинг мустаҳкам таянчидир

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Замон талабларига мос равишда барпо этилган муҳташам ўқув биноси ва унга уйғун ҳолда қурилган ҳар бир иншоот ўзига хослиги билан диққатга сазовордир.



### Таълим

**Б**у ерда таълим-тарбия жараёнига энг сўнгги русумдаги замонавий алоқа воситалари, техника ҳамда технологияларнинг жалб қилингани Қуролли Кучларимиз сафларига дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятли, мард ва ҳар қандай шароитда тезкор қарор қабул қила оладиган етук мутахассислар етказиб беришда қўл келаётир.

Ҳозир факультетда алоқа воситалари, махсус алоқа, радиокоммуникация, телекоммуникация каби еттита мутахассислик бўйича бўлажак офицерлар тайёрланмоқда. Беш йиллик ўқиш жараёнида курсантлар нафақат назарий, балки амалий билимларини ҳам мустаҳкамлаб борадилар.

— Машғулотларни ташкил этишда мана шу икки жиҳатнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди махсус факультет бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Исроилжон Мирзаев. — Бу бежиз эмас. Чунки назарий ва амалий машғулотларда тобланган курсантлар келгусидаги хизмат фаолиятларида зиммаларига юклатилган ҳар қандай вазифани ишонч ва қатъият билан адо этишга қодир бўладилар.

Таълим муассасасида ташкил этилган электрон кутубхона Тошкент ахборот технологиялари университети маълумотлар тармоғига уланган бўлиб, ундан курсантлар ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда кенг фойдаланишмоқда. Шунингдек, курсантларнинг спорт билан шуғулланишлари ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар мавжуд.

— Ҳар бир йигит учун Ватан ҳимоячиси бўлишдан кўра шарафли иш йўқ, — дейди махсус факультет тўртинчи босқич курсанти Насим Мамадов. — Шу мақсад йўлида мазкур таълим даргоҳида таҳсил олмоқдаман. Бизга оталарча эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, ҳаётда ўз йўлимизни топиб олишимиз учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдормиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

**Истиқлол шарофати, Президентимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрликлари туфайли биз, ҳарбийларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитларимизни яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш ҳамда зарур инфратузилмаларни яратиб бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қилиб, гувоҳи бўлиб турамиз.**

## ЧИН ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ

Ўзимиздан қиёс. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тантаналари арафасида жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар учун 48 хонадондан иборат кўп қаватли тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мен шу бинодаги икки хонали уйлардан бирининг соҳиби бўлдим. Ичи кенг, ёруғ ва шинам. Ҳавас қиладиган даражада. Оиламнинг қувончини айтмайсизми?! Албатта, уйингизда шундай хурсандчилик бўлса, ишда ҳам унум бўлади. Ўша ҳаяжонли лаҳзаларда Ўзбекистондек муқаддас заминда туғилганимдан, энг шарафли касб эгаси эканлигимдан чексиз фахрландим.

Яратиб берилаётган улкан имкониятларга жавобан янада яхши хизмат қилиш, осмонимиз мусаффолиги йўлида фидойилик кўрсатиш, қисқача айтганда, билдирилган ишончни оқлаш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

**Отабек ШОМАҲМУДОВ,**
**майор.**

## МУСАФФО ОСМОНИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНЛАРИ



Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Қуролли Кучларимиз сафларига малакали офицер кадрлар етказиб бераётган олий ҳарбий таълим муассасаларидан биридир. Президентимиз ташаббуси билан 1994 йилда ташкил этилган мазкур даргоҳда бугун ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучлари учун вертолёт авиацияси тактик қўмондон-учувчиси, авиация қуроллари ҳамда жиҳозлари, самолётлар ва двигателлар, радиоэлектроника жиҳозлари тактик муҳандислари каби қатор ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Миллий армиямизни профессионал асосда шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларини ушбу билим юртининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, шарт-шароитлари замон талаблари даражасига келтирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган давр мобайнида ўқув бинолари, ётоқхоналар реконструкция қилиниб, кўркам қиёфага келтирилди. Мавжуд кафедралар, авиация мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси ўқув хоналари илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Таълим жараёнида энг сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция воситалари, тренажёрлардан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, спорт заллари, кутубхона курсантлар ихтиёрида. Бўлажак мутахассисларга катта илмий ва ҳаётий

### Ғурур

тажрибага эга офицерлар, профессор-ўқитувчилар сабоқ беришмоқда.

— Ушбу олий ҳарбий билим юртини 1997 йилда илк қалдирғочлари битириб чиқишган эди, — дейди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғининг ўринбосари Муҳаммадали Бекмурзаев. — Улар бугун осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, илм даргоҳида йилдан-йилга ўқув-моддий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, юқори малакали авиация мутахассисларини тайёрлаш, махсус ва умумҳарбий фанларни сифатли ўқитиш учун электрлаштирилган стендлар, ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар, учиш аппаратлари моделлари ҳамда аэродромларнинг макетлари тайёрланиб, ўқув жараёнида самарали қўлланилмоқда.

Президентимиз “Йиллар ўтади, замонлар ўтади, аммо, ҳеч шубҳасиз, миллий армиямизни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар мустақил Ўзбекистонимиз солномасида, янги тарихимиз саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан ёзиладиган буюк воқеалардан бири бўлиб қолади”, деган эдилар. Дарҳақиқат, тинч ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш йўлида ҳаётга татбиқ этилган улкан ислоҳотлар, саъй-ҳаракатлар келгуси авлод вакиллари учун ҳамиша ғурур тимсоли бўлиб хизмат қилажак. Биз сўз юритган олий ҳарбий билим юрти эса ана шу унутилмас тарихнинг муҳим бир бўлагидир.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабboев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 00.50
1 2 3 4 5